



## СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АНДЕРРАЙТИНГ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*PhD Имомов Умид Ғайратжонович*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*ORCID: 0009-0009-8427-3367*

*[mr.imomov@gmail.com](mailto:mr.imomov@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада суғурта хизматлари бозорида компаниялар томонидан маҳсулотлар андеррайтинги жараёнлари маҳсулотлар турларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган. Суғурта маҳсулотларининг турларига қараб андеррайтингини амалга ошириш хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** *риск, суғурта, суғурта маҳсулотлари, андеррайтинг, суғурта компаниясининг бизнес жараёнлари.*

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АНДЕРРАЙТИНГОВЫХ ПРОЦЕССОВ СТРАХОВЫХ ПРОДУКТОВ

*PhD Имомов Умид Ғайратжонович*

*Ташкентский государственный экономический университет*

**Аннотация.** В статье изучены процессы андеррайтинга продуктов компаниями на рынке страховых услуг исходя из видов продуктов. Проанализированы особенности андеррайтинга в зависимости от вида страховых продуктов.

**Ключевые слова:** *риск, страхование, страховые продукты, андеррайтинг, бизнес-процессы страховой компании.*

## THEORETICAL BASIS OF UNDERWRITING PROCESSES OF INSURANCE PRODUCTS

*PhD Imomov Umid Gairatjonovich*

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** The article examines the processes of underwriting products by companies in the insurance services market based on the types of products. The features of underwriting are analyzed depending on the type of insurance products.

**Keywords:** *risk, insurance, insurance products, underwriting, business processes of an insurance company.*

### Кириш.

Иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда суғурта муҳим ва кўп қиррали роль ўйнайди. Шу билан бирга, иқтисодиётда суғурта фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини, ижтимоӣ-иқтисодӣ, табиӣ, техноген ва бошқа рисклардан ҳимоя қилишни ҳам, ижтимоӣ-иқтисодӣ соҳадаги давлат вазифаларини амалга оширишни ҳам таъминловчи зарур восита сифатида мустаҳкам ўрин тутади.

Замонавий суғурта бизнеси ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиб, суғурта компанияларидан мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни талаб қилмоқда. Бозор суғурта соҳасига янги талабларни қўяди айниқса рискларни тўғри баҳолаш ва суғуртага қабул қилишда. шундан келиб чиққан ҳолда суғурта андеррайтинги муҳим саналади. Андеррайтинг суғурта ташкилотларида асосӣ бизнес жараёни бўлиб, суғуртага қабул қилинган суғурта рискини баҳолаш ва бошқаришни ўз ичига олади.

### Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда андеррайтинг суғурта ташкилотининг суғурта рискини баҳолаш, аниқ шартларни ишлаб чиқиш ва суғурта шартномаси бўйича оптимал тарифни аниқлаш билан боғлиқ асосӣ бизнес жараёни сифатида қаралади (Павлова ва бошқ., 2017; Архипова, 2016; Никулина, 2012).

Бойтуш (2013) тадқиқотларида замонавий шароитда андеррайтинг суғурта компанияси фаолиятида тобора муҳим аҳамият касб этишини ва компания фаолияти муҳим роль ўйнашини, ҳамда андеррайтернинг суғурта соҳасида фаолияти анча кенглигини таъкидлайди.

Кузнецова (2016) ўз тадқиқотларида андеррайтинг қўйидаги тамойилларини келтириб ўтади, жумладан:

1) суғурта объекти (предмети) ва суғурталанувчидан олинган ва суғуртадан олдинги экспертиза ва текшириш натижасида андеррайтернинг касбий билими ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган рисклар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларга асосланган холислик;

2) риск параметрларига таъсир этувчи барча индивидуал омилларни ўрганиш ва баҳолашга асосланган ҳар томонлама ёндашувлик;

3) андеррайтернинг касбий билими, сезувчанлиги ва риск ривожланиш прогнози асосида суғурта берилган объектни қабул қилиш (рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ижодӣ ёндашувига асосланган ижодкорлик;

4) суғурта объектининг риск ҳолати ва риск параметрлари ўзгаришини доимий мониторинг қилиш, шунингдек шартнома шартларида ушбу ўзгаришларни ўз вақтида кўриб чиқишга асосланган узлуксизлик;

5) ўхшаш суғурта объеклари ва рискларини суғурталаш тажрибаси ҳамда маълум прецедентлардан фойдаланишга асосланган узлуксизлик;

6) суғурта турлари, суғурта маҳсулоти ва суғурта портфели бўйича йўқотишларни камайтириш учун рискларни танлаш асосида якуний натижага эътибор қаратиш, яъни якуний натижага йўналтирилганлик.

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги иқтисодӣ шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодӣ ўзгаришлар натижасида суғуртада қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта хизматлар бозорида сотилаётган замонавий суғурта маҳсулотлари, суғурта бозорини тартибга солиш усуллари, суғурта соҳасининг закон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб ўтган.

### Тадқиқот методологияси.

Мақолада суғурта соҳасининг муҳим элементи бўлган андеррайтинг жараёнларининг назарӣ ва амалӣ асослари эпмерик адабиётлар таҳлили асосида

ўрганилган, бунда уларни таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракция, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Суғуртани операцион бошқариш тизимида операцион натижаларни бошқариш учун асосий йўналишлар мавжуддир. Буларга андеррайтинг, даъволарни кўриб чиқиш, қайта суғурталаш ва иш юритиш харажатларини бошқаришларни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Булар орасида андеррайтинг бизнес-жараёнлари алоҳида ажаралиб туради ва муҳимлик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир. “Андеррайтинг” бизнес-жараёнларида рискларни танлаш, тарифларни белгилаш, мувозанатли ва рентабелли суғурта портфелини шакллантириш амалга оширилади.

Андеррайтинг бу суғурта бизнеси жараёни бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади, яъни:

- суғурта қопламасининг муҳим шартларини шакллантириш, суғурта шартномасини тузиш ва рискларни суғурталаш, маълум бир турдаги суғуртанинг ва бутун суғурта портфели бўйича белгиланган йўқотиш даражаларини таъминлаш;
- суғурта портфелининг (субпортфел) бир қисми сифатида турли суғурта турлари ўз ичига олган суғурта йиғиндисини ҳимоя қилиш бўйича услубий материалларни ишлаб чиқиш;
- суғурта шартномасининг муҳим шартларида назарда тутилган суғурта учун қабул қилинган рискларни камайтириш бўйича суғурта компаниясининг тавсияларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш.

Андеррайтингни суғурта операцион бошқарувининг алоҳида соҳасига ажратиш қўйидаги сабаблар билан таърифланади, яъни:

- Суғурта компаниясининг иқтисодий хавфсизлигининг асоси бўлган рискларни баҳолаш;
- суғурта маҳсулотлари учун мослашувчан тариф сиёсатини яратиш;
- суғурта маҳсулотлари, сотиш каналлари ва мижозлар сегментлари бўйича суғурта портфелининг тузилиши ва рентабеллигини назорат қилиш.

Андеррайтинг бизнес-жараёнлари қуйидаги тартибларни ўз ичига олади. жумладан:

- суғурта объектини аниқлаш;
- рискларни баҳолаш;
- объектни суғурта қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;
- шартноманинг асосий муҳим ва қўшимча шартлари рўйхатини белгилаш;
- мақбул суғурта тарифларини белгилаш;
- суғурта компанияси ва суғурталанувчиларнинг ўзаро манфаатли тенглигини ҳисобга оладиган шартлар бўйича шартномани расмийлаштириш.

Ҳаёт ва соғлиқни суғурталашда андеррайтинг суғурталанувчининг аризасидаги бирламчи маълумотларни ўрганиш (стандарт андеррайтинг), қўшимча маълумотлар ва экспертиза натижалари (индивидуал андеррайтинг) асосида амалга оширилади. Суғурталанувчининг аризасида қуйидаги бирламчи маълумотлар бўлиши шарт, яъни мижознинг ёши, доимий яшаш жойи, рискларни юзага келтириши мумкин бўлган меҳнат ва дам олиш шароитлари, ариза бериш пайтидаги соғлиғининг ҳолати, сўнгги бир неча йил ичидаги касалликлар рўйхати ва бошқалар.

Суғурта компанияси томонидан агар суғуртага қабул қилинаётган риск ноанъанавий бўладиган бўлса қўшимча маълумотлар сўралиши мумкин. Буларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади, яъни хавфли касалликлар, ёмон одатларнинг мавжудлиги, хавфли касбга мансублик, суғурта мукофотларини тўлаш

учун молиявий имкониятларнинг чекланганлиги ва бошқа ҳоллар. Якка тартибдаги суғурталанувчилар ва суғурталанган шахсларнинг кичик гуруҳлари учун стандарт шартлардан оғиш бўладиган бўлса, улар учун андеррайтинг бирламчи ва қўшимча маълумотлар асосида амалга оширилади.

Андеррайтинг натижаларига кўра суғурта компанияси рискни стандарт ёки оширилган ставка бўйича суғуртага қабул қилиши ёки аризага рад жавобини бериши мумкин. Андеррайтинг мижознинг касби ва ижтимоий мавқеини ҳисобга олади. Актуар ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ўлим жадвалига асосан юқори маълумотли ва катта маош оладиган инсонлар ўқимаган ёки бошланғич таълим олган одамларга қараганда узоқроқ яшайди, бу эса ўқимишли инсонларнинг юқори даромад олишлари ва яшаш шароитларинг яхшилиги билан боғлиқдир. Ижтимоий ҳолат ҳам саломатлик ва соғлиққа тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Бахтсиз ҳодисалар ва соғлиқни суғурталаш бўйича андеррайтинг қабул қилинган рискга мос келадиган шартларда суғурта маҳсулотини таклиф қилиш имкониятини таъминлаш учун рискнинг оғиш даражаси, салоҳиятли мижоз соғлиғининг белгиланган мезонларда аниқлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар рўйхатини қамраб олади.

Андеррайтинг анкета ва экспертиза натижаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён суғуртадан олдинги экспертиза жараёни дейилади. Сўровномаларни таҳлил қилиш ва ҳужжатларни ўрганишда нотўғри маълумотларни тақдим этишни истисно қилиб бўлмайди, шунинг учун уларнинг ишончсизлиги ҳақидаги шубҳалар пайдо бўлганда қўшимча экспертизани ўтказиш учун асос бўлади. Салоҳиятли мижозларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари, уларнинг соғлиғи ҳолати, суғурта шартномаси тузилгунга қадар ишлаш қобилияти ва илгари тузилган шартномалар бўйича суғурта ҳодисалари тўғрисидаги маълумотлар экспертиза объекти бўлиб ҳисобланади.

Нисбатан бир хил риск даражасига эга бўлган жамоавий ҳаёт ва соғлиқни суғурталаш шартномаларини тузишда ходимлар сонининг кўпайиши билан текширувга бўлган эҳтиёж камайиб боради. Бу суғурта шартлари ёки суғурта режаси (дастури) бўйича андеррайтинг бўлиб, у гуруҳ (жамоа) шартлари бўйича тўғридан-тўғри рискни таҳлил қилиш ва баҳолаш тартибидан иборат бўлади. Катта гуруҳларда одатий андеррайтинг жараёнлари қўлланилади ва бутун гуруҳ учун зарур демографик ва тиббий кўрсаткичлар аниқланади ҳамда баҳоланади. Агар суғурталанган шахсга тўғри келадиган суғурта суммаси андеррайтинг сиёсатига нисбатан юқори бўлса, суғурталанган шахслардан қўшимча сўров ўтказилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бирининг ёши, соғлиғи, асосий фаолият тури бўйича касби ва бошқа маълумотлар олиниши мумкин бўлади.

Суғурталанган шахсларнинг касбини ҳисобга олиш касбий андеррайтинг деб аталади, бу меҳнат қобилиятини йўқотиш туфайли даромадни йўқотиш рискига таъсирини баҳолашга қаратилгандир. Касбларнинг турли туманлиги суғурта рискига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Касб соғлиқ муаммолари рискини, шу жумладан касалланишнинг ортиши, суғурта ҳодисаси эҳтимолининг ошиши, салоҳиятли мижозга қўйиладиган махсус талабларни (касбий мувофиқлик) белгилайди.

Самарали андеррайтинг учун иш берувчи ҳақида (тадбиркорлик фаолияти турига йўналтирилганлиги, унинг бир неча йиллардаги муваффақияти), ходим ҳақида (ўртача йиллик иш ҳақи, меҳнатга лаёқатсиз кунлар сони ва касаллик таътилини тўлаш ва бошқалар) қўшимча маълумот талаб қилинади.

Андеррайтер мижозлар тўғрисида қўшимча маълумотни иқтисодий хавфсизлик хизмати ва тиббий кўрик мутахассисларидан олиши мумкин. Суғуртадан олдинги тиббий кўрик, сўров маълумотлари, саломатлик ҳолати тўғрисидаги анкета маълумотлари, яшаш жойидаги тиббий муассасалари маълумотномалари, тиббий

карталардан кўчирма, тиббий кўрик натижалари ва бошқалар асосида амалга оширилади.

Стандарт андеррайтинг бўйича мутахассислар суғурталанувчидан аризада келтирилган маълумотларини тўлдиришни сўрайди ҳамда суғурта тариф ставкасини ҳисоблаш учун бошланғич маълумотларни аниқлайди, буларга қўйидагилар киради, суғурталанган шахсларнинг умумий сони, касблар классификатори бўйича риск даражаси, касбий фаолият классификацияси, ишга бориш ва қайтиш йўллари, суғурта шартлари ва бошқалар.

Бошланғич маълумотлар ва танланган суғурта дастурларини ҳисобга олган ҳолда, асосий суғурта ставкаси ва тузатувчи коэффициент аниқланади, суғурта суммаси келишилади, суғурта мукофоти ҳисобланади ва ундан кейин суғурта шартномаси тузилади.

Кўчмас мулк ва у билан боғлиқ рискларни суғурталашда андеррайтинг. Ипотека шартномаси бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилишда мулкка бўлган мулквий ҳуқуқларнинг йўқолиши ёки чекланиши билан боғлиқ йўқотишлар (титул рисклари) суғурта қилиниши мумкин.

Рисклар қуйидаги жараёнларда юзага келиши мумкин, жумладан:

- кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;
- сотиб олиш ҳуқуқи ёки мажбурияти билан гаров ёки ижара шартномаси бўйича кечиктирилган сотиш;
- кўчмас мулкни айирбошлаш, ҳада қилиш ёки текинга бериш, мерос қилиб олиш тўғрисидаги шартномалар;
- ажралиш пайтида оиланинг мол-мулкни тақсимлаш;
- мулкнинг устав капиталига қўшилиши ва бошқа ҳолларда

Рисклар шунингдек, мулкни мажбуран олиб қўйиш эҳтимоли, давлат эҳтиёжлари учун мулкдан фойдаланиш ҳуқуқларини ваколатли органлар томонидан чеклаш, кўчмас мулкдан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида юзага келиши ҳам мумкин.

Титул суғуртасида суд жараёни билан боғлиқ харажатлар суғурталанади. Суғурталанган шахснинг билвосита зарарлари ёки йўқотилган фойдалари суғуртага қабул қилинмайди. Келишувлар доирасида суғурталанувчи ва суғурта компанияси суғурта қоидаларининг алоҳида шартларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритишлари ёки айрим шартларни олиб ташлаш бўйича келишишлари мумкин бўлади. Суғуртадан олдинги экспертиза мол-мулкларни суғурталаш андеррайтингининг энг муҳим босқичидир. Экспертиза ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганишдан бошланади. Суғурта объектини тўғридан-тўғри текшириш вақтида мижоз томонидан тақдим этилган объектни текшириш режаси тузилади. Рискни баҳолаш учун қуйидаги методологик ёндашув тавсия этилади:

- йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш;
- рискларни идентификация қилиш;
- объектнинг хусусиятларида, ишлаш шароитларида, ишлаб чиқариш технологиясида норматив талаблардан оғишларни аниқлаш;
- юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни башорат қилиш.

Стандарт андеррайтинг стандарт рискни суғурта қилиш учун ариза берилган ҳолда амалга оширилади. Агар амалдаги шартлар стандарт рискга мос келмаса, у ҳолда индивидуал андеррайтинг амалга оширилади, тузатиш коэффициентлари ва суғурта тарифлари аниқланади ва суғурта мукофоти ҳисобланади.

Қарз олувчининг ипотека рискларининг молиявий андеррайтинги хавфсизлик хизмати томонидан қарз олувчининг даромадлари, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи, қимматли қоғозлар, алиментлар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Кўчмас мулк битимининг адолатлигини ва қонунийлигини таъминлаш учун суғурта андеррайтинги банк, суғурта компанияси ва



жалб қилинган риелтор томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари суғурта компанияси ва банк жалб қилинган риелторлардан касбий жавобгарлиги бўйича суғурта шартномасини тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Автотранспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини суғурталашнинг андеррайтинг қўйидагиларни ўз ичига олади: транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида учинчи шахсларга этказилган зарар учун жавобгарлик суғуртаси ва ташувчининг жавобгарлиги суғуртаси.

Автотранспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурта тариф ставкалари базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлардан ташкил топади. Асосий суғурта тарифлари транспорт воситаларининг техник ва конструктив хусусиятлари, фойдаланиш мақсадига боғлиқ бўлиб, улардан фойдаланиш пайтида этказилган зарар эҳтимоли ва этказилган зарарнинг миқдори сезиларли даражада таъсир қилади. Тузатиш коэффициентлари транспорт воситасидан асосий фойдаланиш ҳудудига, ушбу транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни ўтган даврларда амалга оширишда суғурталовчилар томонидан тўланган суғурта тўловларининг мавжудлиги (йўқлиги) ва суғурта риси миқдорига таъсир қилувчи бошқа ҳолатларга қараб белгиланади. Масалан, ҳайдаш тажрибаси, ёши ва бошқа шахсий маълумотларни ҳисобга оладиган коэффициентлар қўлланилади.

Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича стандарт андеррайтинг суғурталовчилар томонидан шартнома тузишдаги маълумотлар ва мижоз томонидан стандарт аризада кўрсатилган маълумотлар асосида амалга оширилади. Оммавий, очиқ шартнома тузишда суғурталовчи андеррайтинг натижаларидан қатъи назар, шартномани тузишдан бош тортиши мумкин эмас, бундай ҳолат деярли барча мажбурий суғурта турларига таълуқли бўлади. Суғурталанувчи – мижоз суғурта компаниясига муҳим ўзгаришлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт, суғурта компанияси эса суғурта полисига тегишли ўзгартиришлар киритади ва рискнинг ошишига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилиши мумкин бўлади.

Корпоратив мижозларнинг мол-мулкни суғурталашда андеррайтинг. Корпоратив мол-мулкларни суғурталаш бўйича андеррайтинг тартиби бир неча босқичлардан иборат бўлади. Уларнинг асосийлари қўйидагилардан ташкил топади, жумладан:

- Суғурта объект ҳақида маълумот тўплаш ва ўрганиш;
- суғурта объектини текшириш;
- тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва суғуртага қабул қилиш тўғрисидаги қарорни ишлаб чиқиш ва суғурта шартномаси шартларини аниқлаш;
- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида унинг бажарилишини назорат қилиш;
- суғурта шартномаси бўйича андеррайтинг натижасини аниқлаш.

Турли хил суғурта маҳсулотлари учун андеррайтинг жараёнлари ва хусусиятларини ўрганган ҳолди қўйидагича биз хулоса қилишимиз мумкин бўлади, яъни андеррайтинг асосан тўртта асосий функцияни бажаради. Булар, таҳлилий, услубий, амалий ва назорат. Амалда андеррайтингнинг икки тури мавжуд, булар, индивидуал ва стандарт андеррайтингдир.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, андеррайтинг суғурта портфелини бошқарадиган ва пировардида суғурта компаниясининг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи тизимни шакллантирувчи жараёндир.

Ўрганилаётган суғурта маҳсулотлари учун андеррайтинг жараёнларини таҳлил қилишда қўйидаги вазифалар ҳал этилади, жумладан:

- суғурта объектларидан келиб чиққан ҳолда суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолининг ошишига таъсир этувчи омиллар рўйхати шакллантириш ва суғурта тарифини ҳисоблашда уларни ҳисобга олиш имкониятини аниқлаш;
- суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолига таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини ҳисобга оладиган кўпайтирувчи (камаювчи) ва тузатиш коэффициетларни белгилаш;
- суғурта шартномасининг асосий ва қўшимча шартларини аниқлаш;
- андеррайтинг натижасини шакллантириш учун уни амалга ошириш алгоритминини шакллантириш.

Санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун турли суғурта турлари бўйича малакали андеррайтерлар талаб қилинади. Уларни тайёрлаш ва борларининг малакасини домий равишда ошириб бориш муҳим ҳисобланади.

#### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

Abdurakhmonov, I. (2020). *Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. International Finance and Accounting, (1), 5.*

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). *Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. International Finance and Accounting, (6), 7.*

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. Iss. 4, Article 6.* Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol. Iss. 2, Article 10.* Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). *Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. International Finance and Accounting, (3), 7.*

Abduraxmonov, I. (2022). *Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(3), 60-67.*

Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). *Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent. "IQTDISOD-MOLIYA.*

Ilyas, A. (2018). *Competition in the insurance market of Uzbekistan. Asian journal of management sciences & education, 7(2), 56-61.*

Ilyas, A. (2018). *Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 7(1), 59-68.*

Ilyos, A. (2019). *Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 8(2), 20-27.*

Khurshidovich, A. I. (2021). *Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. International Journal of Management IT and Engineering, 11(7), 91-96.*

Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №4, 1-10 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. "Молия ва банк иши" илмий журнал. №1, 95-99 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат кўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Молия ва банк иши" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. *MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1), 95-99.* Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланиш тенденциялари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(4), 309-319.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12–15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.
- Абдурахмонов, И. Х. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс.... и. ф. н, 26.
- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 23-24.
- Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.: «Иқтисод молия», 353-354.
- Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс. и. ф. д, 78.
- Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *TADQIQOTLAR. UZ*, 37(6), 161-167.
- Архипов А.П. (2016) Страховой андеррайтинг: учебник и практикум для бакалавров. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Издательство Юрайт. 359 с.
- Бойтуш О.А. (2013) Место и роль андеррайтинга в деятельности страховой компании. *УПРАВЛЕНИЕЦ* № 6/46/. 46-49 стр.
- Кузнецова Т.Е. (2016) Система андеррайтинга в современных условиях страхового рынка России. *Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева* № 2, том 2, 1-6 стр.
- Никулина Н.Е., Ясенов В.Н. (2012) Андеррайтинг в страховом предпринимательстве // *Экономический анализ: теория и практика*. № 22 (277). С. 23–30.
- Павлова Т.А., Косякова М.В., Шалимов Я.О. (2017) Процедура андеррайтинга и ее роль в экономической безопасности страховых компаний // *Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук. Сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции*. Под общей редакцией Е.П. Ткачевой. С. 92–99.